RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Миллий тиклаиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 14-iyun, chorshanba, 24 (354)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАЁТГАНЛАР

Партиямиз ташкил топганлигига 11 йил тўлди. Ўтган давр ичида аъзоларимиз сони ортди, бизнинг мақсадларимизга ҳаммаслак, бизга ҳамфикр, фидойи кишилар жамоаси пайдо бўлди. Партиядошларимизнинг ҳар бир эзгу иши, саъй-ҳаракатлари аста-секин ўз самарасини бериб бормоқда. Партия фаоллари ҳақида фахр билан гапирсак арзийди.

1-сон маҳалла Хоразм вилояти марказида жойлашган. Кўчалари кенг, равон, обод, файзли. Аксарият хонадонлар эшиги олдида гулзорлар барпо этилган. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рустам Султонов эрта тонгдан маҳаллани айланади. Энг аввало, кексалар, ёрдамга муҳтож оилаларнинг ҳолидан хабар олади. Маҳалла оқсоқоли Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзоси, халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати. Тиниб-тинчимайдиган Рустам ака яқинда яна маҳалла фуқаролар йиғинига раис қилиб сайланди. Бундай ҳар ишда фаол, фидойи партия аъзолари кўпчиликка ибратдир.

Янгариқ тумани Остона қишлоғидаги «Юлдузча» болалар боғчаси мудираси Моможон Қўчқорова, Гурлан туманидаги марказий касалхона шифокори Давлат Матниёзов ҳам халқ ишончига жавобан ташаббускорлик билан меҳнат қилмоқдалар.

Аъзоларимиз аҳоли ўртасида маънавий-маърифий тадбирларни изчил ташкил этаётир. «Тинчлик — олий неъмат», «Она тилим — жону дилим», «Йигит омон бўлса, қўрғон мустаҳкам» каби кўплаб мавзуларда суҳбатлар ўтказилмоқда. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури ижросини таъминлашга ҳам аъзоларимиз амалий ҳисса қўшмоқдалар. Қўшкўпир туманидаги «Қурбонбой-Ўрта ёп» фермер хўжалиги раҳбари, партиямиз аъзоси Қ.Қўшақов кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатди. Хонқа туманидаги 40, 42-сон ўрта мактабларида таълим-тарбия олаётган кам таъминланган оилалар фарзандларига партия аъзолари томонидан совғалар берилди.

«Мансура-нур» хусусий ишлаб чиқариш корхонасига раҳбарлик қилаётган партиямиз жонкуярларидан бири Дилбар Бекжонова янги ишчи ўринларини очиб, қизларга тикувчилик сирларини ўрганиш имконини яратиб берди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Раъно Зарипова билан Хонқа, Урганч туманлари меҳнаткашлари ўртасида учрашувлар ташкиллади.

Партиямиз сафлари ўзи истиқомат қилаётган заминни янада равнақ топишига билими, тажрибаси билан улуш қўшишга ҳаракат қилаётган, элим, юртим, деб ёниб яшаётган юртдошларимиз билан кенгайиб бормоқда.

Баҳодир БОБОЖОНОВ,
ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши раиси.

«ФАН ВА ТУРМУШ» ЖУРНАЛИНИ ЎҚИБ

«Фан ва турмуш» журналининг 2006 йил 1-3 сонидаги «Маъмун академияси»нинг 1000 йиллигига бағишлаб берилган илмий-оммабоп мақолаларини ўқиб, киши ўша тарихий даврга кириб борди.

Уларда Хоразм цивилизацияси, маданияти ва санъатининг ҳамда фанининг ўша даврда юксак тараққиёт даражасига кўтарилгани ва бу ривожланиш учун мустаҳкам таг-замин бўлганига алоҳида эътибор қаратилади.



Хоразм давлати милоддан аввалги VII-VI асрларда шаклланибдики, у бугунги кунгача жаҳон тарихшунослари, олимлари диққат марказидан тушмай келаяпти. Бу ҳақида журнал саҳифаларидаги Тупроққалъа ҳақида ўқийсизми, «Кўҳна Хоразм жумбоғи» билан қизиқасизми, барчасида ўша даврдаги бунёдкорлик шунчаки эмаслигига ишонч ҳосил қиласиз.

Қадим Хоразм давлати пойтахтини излаб харобаларни ёки тарихни тилга киритган ёзувларда акс этган Хоразм воҳасининг Ўзбекистон ҳудудидаги қадимий давлатчилик жараёнининг илк ўчоқларидан эканини исботловчи қадимги Хоразм ёзуви ёдгорликларини тарихий манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганиш бўйича тўпланаётган илмий маълумотлар ҳақида ажойиб фикрлар баён қилинган.

«Хоразм эраси» мақоласини ўқиб, одамлар қадим замонларда кун билан тунннинг, фаслларнинг алмашиниш сабабларини билишга қизиққанларини, самовий ва табиат ҳодисаларини бир-бири билан боғлашга уринганликларини, Хоразм тақвими ва ой кунларининг «Авесто»даги маъбудларнинг номлари билан боғланганлигининг гувоҳи бўлсак, «Қадим Хоразмда нархнаво» ўқувчини қадимги воҳадаги савдо-тижорат жараёнига етаклайди.

Журнал саҳифаларини варақлаганда, Европада ер ўлчамлари билан қизиққан биринчи европалик Фернел 1526 йилда Ер меридиани бир градус ёйининг узунлигини ўлчашга муваффақ бўлган бўлса, Бағдоддаги Маъмун академияси олимлари меридиан ёйини европаликлардан 700 йил олдин, буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний эса 500 йил (1023 йилда) олдин Ер радиусини ўлчаганини ўқиб, ота-боболаримиз, аждодларимизнинг илмий салоҳияти қанчалик салмоқли бўлганининг гувоҳи бўласиз.

Табобат илмининг султони сифатида дунёга машҳур бўлган Абу Али ибн Сино 450 дан ортиқ асар ёзганлиги маълум бўлиб, улардан 160 таси бизгача етиб келган. Аммо эътиборли томони шуки, буюк аллома фалсафага оид 80 та асар ёзгани, у математика фанини ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшганини ҳар ким ҳам билавермайди. Шаркда фалсафий шоир сифатида тан олинган алломанинг рубоийларидан намуналар журнал саҳифаларини безаб турибди.

Берилган барча маълумотлар халқимиз, жумладан, ёш авлоднинг қалбида ўз ўтмиш аждодлари, илм-фан бешигини тебратган буюк алломалари билан ҳақли равишда фахрланиш ва ғурурланиш ҳис-туйғуларини жунбушга келтириши аниқ.

Айниқса, мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан қайта тикланган Хоразм Маъмун академияси олимлари олдида ҳозирги пайтда илмий нуқтаи назардан ҳал қилиниши долзарб бўлган муаммолар турганлигига алоҳида эътибор қаратилганлиги ота-боболаримизнинг илмий мероси, ўтмишдаги маданий ҳаётни, хуллас, ватанимиз ва халқимиз тарихини ўрганиш ҳамда уларни келажак авлодларга етказиш муқаддас вазифа эканлигидан далолат беради.

«Фан ва турмуш» журнали қизиқарли, илмий-оммабоп, тарихий ва кенг жамоатчиликнинг эътиборини тортадиган ҳамда мулоҳаза юритишга даъват қиладиган мақолалари билан ўқувчилар эътиборига тушмоқда.

Умид ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЭЗГУ ТАДБИР

ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши ташкил топганлигининг 11 йиллигига бағишлаб вилоят партия кенгашида йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда ЎзМТДП туман кенгаши раислари, партия фаоллари, вилоят «Экосан» халқаро жамғармаси вакиллари қатнашдилар.

Тадбир аввалида партиянинг вилоят кенгаши раиси Абдуқаюм Каримов партиядошларнинг мақсадлари ва миллий тикланиш йўлида олиб борилаётган ишлар, миллий қадриятларимиз, асрий анъаналаримизни тиклаш ҳар бир партия аъзосига ғурур ва ифтихор бағишлаши ҳақида гапирди. Маърузачи партия босиб ўтган йўлда фаоллар ташаббуси муҳим ўрин тутгани, ўтказилаётган тадбирлар, учрашув ва мулоқотлар давомида кимнинг қандай ишлаётгани кўриниши ва халқ назаридан ўтишини таъкидлади.

ЎзМТДП Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Нуриддин Ҳасанов шаҳар кенгашининг турли жамғарма ва ташкилотлар билан ҳамкорлик олиб бориш йўлидаги ишлари ва бу ҳаракатлар яхши самара бераётгани хусусида гапирди.

Шу куни вилоят партия кенгаши «Экосан» жамғармаси билан халқаро Табиатни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб катта ҳашар ўтказди. Бу эзгу тадбирда Самарқанд педагогика-спорт коллежи талабалари ва уларнинг устозлари сидқидилдан иштирок этишди.

Раҳимжон НАИМОВ,
ЎзМТДП Самарқанд туман кенгаши раиси.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТАЁТИР. НАШР КЎРСАТКИЧИМИЗ — 158.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

Партиянинг Қашқадарё вилояти Косон компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежида «Миллий тикланиш, миллий мафкура жамиятнинг ғоявий асослари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Жиззах вилояти Ғаллаорол туман кенгашида «Мустақиллик ва маънавият» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Фарғона вилоят кенгашида Халқ депутатлари вилоят кенгашига сайланган депутатлар гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Наманган вилояти Тўрақўрғон туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги 2-мактабгача таълим муасасасида «Менинг санъатим сенга ёқадими?» мавзуида расмлар танлови ўтказилди.

* * *

«Маҳалла, оила, мактаб ёш авлод тарбиясига масъул» мавзуида ўтказилган тадбирни партиянинг Бухоро вилоят Ромитан туман кенгаши ташкиллаштирди.

* * *

ЎзМТДП Хоразм вилоят Урганч ва Қўшкўпир туман кенгашларида туманларда май ойида бажарилган ишлар юзасидан ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Тахиятош туман кенгаши ташаббуси билан футбол бўйича мусобақа ўтказилди.

* * *

Қашқадарё вилояти Қарши туман партия кенгаши ташаббуси билан Қарши Давлат университети қошидаги 2-академик лицейда «Биз ўз куч ва имкониятларимизга ишонамиз» мавзуида учрашув ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Сирдарё вилоят ва Сайхунобод туман кенгаши ҳамкорлигида «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» мазуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Навоий шаҳар кенгаши ташаббуси билан Навоий шаҳрида «Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Сирдарё вилояти Гулистон туман кенгашида «Мустақиллик ва маънавият» мавзуида йиғилиш ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Бухоро вилояти Жондор туман кенгаши ташаббускорлигида Жондор шаҳарчасида «Қизларимиз камоли — идроки, одоби» мавзуида учрашув бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Наманган вилоят кенгашида «Ўзбекистон ёшлари: мақсад, вазифалар ва масъулият» мавзуида партия фаолларининг ёшлар билан учрашуви ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши матбуот хизмати.

ОЙБАРЧИН АВЛОДЛАРИ

Ижодкорлар атрофдаги одамлардан ўзларининг "бошқача" феъл-атворлари билан ажралиб туради, деган тушунча қайсидир маънода тўғри бўлиши мумкин. Лекин бу фақат ижодкорларгагина хос хусусият эмас. Ўз ишини жон-дили билан бажарадиган, машғулотининг яхши-ю ёмон томонларини бирдек севадиган барча инсонларга хос хусусият бу. Балки мулоҳазаларим кимларгадир ғалатироқ туюлар. Лекин бу — менинг кузатувларим. Айтмоқчи бўлганим эса, юқоридаги мулоҳазаларим бир гуруҳ курашчи қизлар, хусусан, Машҳура Мавлонова билан суҳбатлардан, фикрлашувлардан кейин янада ойдинлашди.

Маълумки, олий ўқув юртларига ҳамма ҳам имтиёз билан қабул қилинавермайди. Машҳура Мавлонова Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига имтиёзлилар сафида ўқишга кирган. Бу муваффақият Машҳуранинг машаққатли меҳнатлари эвазига келганини таъкидлаб ўтиш шарт бўлмаса керак.

Қашқадарё вилоятининг Косон туманида дунёга келган, 16 ёшидан буён кураш билан жиддий шуғулланиб келаётган қаҳрамонимизнинг бугунгача эришган ютуқлари талайгина. Хусусан, Самарқандда республика миқёсида ёшлар ўртасида ўтказилган кураш беллашувларида 2-ўрин, Жаҳон чемпионатида самбо бўйича 3-ўрин, шу йилнинг апрел ойида Термиз шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида 83 кг вазн тоифасида 1-ўринни олишга муваффақ бўлган. Умуман, Машҳура ўзи қатнашган аксарият мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаган. Лекин эришган ютуқларидан мағрурланмайди, жуда камтарин.

Машҳура балки онасидек тикувчи ёки ўзи орзу қилганидек шифокор бўлиши ҳам мумкин эди. Лекин у курашни танлади. Устози Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Амон Тоймуродовнинг таърифи билан айтганда, олишув пайтида у сиз билан суҳбатлашгандаги босиқ кўринадиган Машҳура эмас, фақат ғалаба иштиёқи билан ёнаётган чинакам полвонга айланади. Ғалаба ҳақида гап кетганда: "Енгиш яхши, бироқ енгилиб туриш ҳам керак. Ғалабанинг қанчалар азизлигини енгилиб кўрганлар яхши ҳис қилади. Полвон учун энг асосийси — кўнгли тозалик. Барча нарсага ҳасад билан эмас, ҳавас билан эришган яхши", — дейди Машҳура. Қишлоқ мактабидаги залда кураш бўйича биринчи устози Пўлат Омонқулов, бугунги кунда ўз отасидек меҳрибон, шу билан бир қаторда талабчан ва қаттиққўл устози Амон Тоймуродовлар ҳақида миннатдорлик билан гапиради.

Машҳура 20 ёшда. Ўқиш билан бирга кунлик икки маҳал машғулотни бирга олиб бориш қийинчилик туғдирса-да, ўзи айтганидек, барибир завқли. Бўш вақтларида тикувчилик

билан шуғулланади, пишириқлар тайёрлайди. "Кураш ёки бошқа бир спорт тури билан шуғулланадими, ҳар бир қиз уй-рўзғор юмушларини уддалаши шарт". Бу — қаҳрамонимизнинг сўзлари.

Машҳуранинг орзулари, эзгу мақсадлари кўп. Бу мақсадлар йўлида сабот билан ҳаракат қилмоқда. "Спорт — саломатлик гарови, — дейди у. — Айниқса, курашнинг фойдали томонлари кўп. Қизларга бу спорт тури оғирлик қилади, деган гап ноўрин. Менимча, курашни кенгроқ тарғиб қилиш керак". Бу қизнинг, умуман, ўша даврадаги полвон қизларнинг самимияти шу даражада эдики, беихтиёр курашчи бўлмаганингга афсуслана бошлайсан, одам. Балки, сўз бошида айтганим, истеъдодли инсонларнинг "бошқача"лигидан далолатдир бу ҳам...

"Ўқишни битиргач, ҳарбий соҳада ишламоқчиман", — дейди Машҳура орзулари ҳақида гапираётиб. Юрт тинчлиги, осудалигини чин ўғлонлар, посбонлар қаторида кўриқламоққа бел боғлаган Машҳура Мавлонова каби полвон қизлари бор ота-онанинг юзи ёруғ бўлиши шубҳасиз.

Истиқлол умидлари

Зумрад ВАҲОБОВА.

БОЗОР ОЗОР БЎЛМАСИН

Самарқанд шаҳридаги «Сиёб» бозорининг бугунги қиёфасини мустабид тузум давридагиси билан таққослаб бўлмайди. Бу даставвал, пештахталардаги маъмурчиликда кўринади. Яна ҳудуди 6,3 гектарни ташкил этадиган бозорда режали қурилиш ишлари амалга оширилиб, илгариги пастқам, кўримсиз савдо ўринлари, оддий расталар ўрнида бугунги кун талабларига жавоб берадиган кўркам дўконлар, савдо жойлари барпо этилди.

Озиқ-овқат, гўшт, сут, балиқ маҳсулотлари савдосининг санитария-гигиена ҳолатлари тубдан яхшиланди. Махсус бинолар ишга туширилди. Бозорнинг умумий тозалигини мунтазам таъминлаш имконияти яратилди. Шаҳардаги Шоҳи Зинда, Бибихоним, Регистон сингари тарихий обидалар таъмирига уйғун тарзда «Сиёб» бозори ҳам янгича қиёфа касб этди. Бозор билан Шоҳи Зинда обидаси оралиғидан ўтадиган Рудакий кўчасида амалга оширилган ободонлаштириш ишлари ҳар икки тарафга ҳам бетакрор кўрк бахш этди.

Айтиш лозимки, бозор ўзи жойлашган ҳудуд аҳолисининг миллий қиёфаси, зарур бўлса ички дунёси, орзу-мақсадларини ифода этувчи ойнадир. Шундай бўлгач, барчамиз бозорларимиз ободлиги учун қайғуришга масъулмиз.

Шу ўринда шаҳримиздаги «Азиз» хусусий савдо маркази тўғрисида қисқагина тўхталишни лозим топдик. «Савдо маркази» дейиладими, «бозор» дейиладими, «Азиз» моҳиятан замонавий бозор. Ўзига хос ихчам, иссиқ-совуқдан ҳимояланган, тунда дарвозалари ёпиладиган жой. Ибрат бўлишга арзирли расталарнинг бирида бош кийимлари, бошқасида оёқ, яна бирида болалар учун, чинни ёки бошқа буюмлар сотилади. Нон, озиқ-овқат, гўшт, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари расталари ҳам мавжуд. Савдо маданияти яхши, ҳеч ким «мана буни олинг», деб маҳсулотини тумшуғингизга тутмайди. Бу ернинг яна бир қулай жиҳати шундаки, савдо-сотиқ билан овқатланиш аралаш эмас. Ошхона алоҳида жойлашган бўлиб, мижозларга қулайликлар яратилган. Тозаликка жиддий аҳамият берилади. Бир сўз билан айтганда, бозор фаолияти қатъий назоратда. Бу эса харидорга эркин танлаш, шошилмай харид қилиш имконини беради. Қисқаси, Ургут бозоридаги талотўпни бир кўрган одам бу ердаги осойишталикнинг асоси ихчамлик ва ихтисослашувда эканини англайди.

«Сиёб» бозори ҳам ҳудуд жиҳатидан катта бўлса-да, шовқин-суронли эмас. Сабаби, бу ерда ҳам маҳсулотлар тур-тури билан павильонларга жойлаштирилган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, вилоятимиздаги қатор бозорлар «Сиёб» ва «Азиз» бозоридан ибрат олсалар ёмон бўлмасди.

Яшириб нима қилдик, юртимизда ҳар куни бозор. Ҳар куни минг-минглаб одамлар машинада, от-аравада, пой-пиёда бозорлар томон шошади. Бироқ вилоятимизда номи бозору ўзи озор бўлган жойлар ҳам учрайди. У ерда муаммолар қалашиб ётибди. Бундай бозорларни Нуробод, Қўшработ, Булунғур, Пастдарғом, Пайариқ каби туманларда учратиш мумкин. Бу бозорларнинг на атрофи ўралган, на савдо-сотиқ қилиш учун бирор шароит яратилган!

(Давоми 2-бетда)

Устазода

Мен бу кишини яхши биламан. Унинг одамийлиги, ўз миллати, юртининг урф-одатларини, қишлоғини ҳурмат қилиши, ҳамиша шу миллатга, шу юртга муносиб бўлишга интилишини такрор-такрор эшитганман. У кишини ҳамқишлоқлари, узоқ-яқиндаги танишлари, ёр-биродарлари ҳурмат, иззат-икром билан «Уста», дейишади.

Қаҳрамонимиз — уста Маҳаматали Юнусов нақкошлик билан шуғулланади. Унинг ота-боболари ҳам миллий ҳунармандчилик бўйича ўз замонларининг оғизга тушган усталари бўлишган. Бу усталарнинг ишлари ўзига хослиги билан ажралиб турган. Нақкошлик бу авлоднинг қон-қонига сингиб кетган. Маҳаматали устанинг укаси Имомали, фарзандлари Козимжон, Муроджон, жиянлари Нодиржон, Аҳроржон, Зокиржон ҳам ота-боболари йўлидан боришмоқда.



Маҳаматали ёшлигидан отаси билан ёнма-ён туриб катта-катта қурилишларда иштирок этди. Миллий ганч ва ёғоч ўймакорлиги санъати сирларини ўша пайтларда ўрганган. Нақшларнинг бетакрорлиги, уларда акс этган тарихий миллий услубларни кўрган киши, унинг ишларига эътиборсиз қарамайди. Шунинг учун устани сўроқлаб келувчилар кўп. У қайси вилоятга, туман ёки шаҳарга бориб катта-катта биноларни маромига етказиб қурган, нақшинкор қилиб безаган бўлса, ўша биноларда Қўқон меъморчилиги йўналиши яққол сезилиб туради. Ўзбекистон туманидаги Яйпан шаҳар миллий боғида ёғоч ўймакорлиги билан безалган, XV асрга хос тарх билан қурилган чойхона, Фурқат туманининг Эски қишлоғидаги чойхона мажмуаси, Жиззах вилоятининг Зарбдор туманидаги Тошкент-Самарқанд йўли бўйида қурилган «Ипак йўли» чойхонаси, шу тумандаги «Оқсарой» чойхона оромгоҳи мажмуаси, Самарқанд вилоятидаги Исмоил ал-Бухорий масжиди, бир қанча коллежлар, спорт мажмуалари каби устанинг шогирдлари билан бирга миллий ўймакорлик услубларида ишлаган бинолари халқнинг бебаҳо мулкига айланган.

Устанинг маҳалла-куй орасида ҳурмати баланд. Узоқ йиллар Фурқат номли ширкат хўжалигидаги қурилиш бригадасига етакчилик қилган ва 300 дан зиёд шогирдларга миллий нақкошлик сирларини ўргатиб, мустақил ишлашлари учун оқ фотиҳа берган. Устанинг шогирдлари ҳам эл орасида ҳурматга эга.

Маҳаматали Юсупов Фурқат туманидаги маиший хизмат кўрсатиш уюшмасида нақкош бўлиб ишлайди. «Уста Юсуфжон нақкош» хусусий корхонасини ташкил этган. Ҳозир у ерда 50 нафар ҳунарманд фаолият кўрсатмоқда.

Уста Навбаҳор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Чилги-жийда» маҳалла фуқаролар йиғини фаоли сифатида янги иш ўринлари яратиш, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш борасида ҳам хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Ҳар бир инсон яшар экан, ўзидан фақат яхши ном қолишини истайди. Донишмандлардан бири айтганидек: «Киши бекордан-бекор қуруқ гавдани кўтариб юриш учун эмас, балки улуғ ва кўламли вазифалар устида ишлаш учун дунёга келади». Ҳикоямиз қаҳрамони ҳақида ҳам шундай сўзларни айтиш мумкин.

— Шу кунгача нимагаки эришган бўлсам, ота-онамнинг тарбияси, насиҳатларига амал қилиш орқали бўлди. Улар бизни ҳамиша яхшиликка ундаган. Мен ҳам фарзандларимни, шогирдларимни шунга ўргатдим. Уларнинг ўз йўлларини топиб кетаётганларидан бошим кўкка етади. Яратган менга шундай касб-корни, иқтидорни раво кўрган экан, умримнинг охиригача қўлимдан келганча эл-юртга хизмат қиламан, — дейди уста.

Маҳаматали Юнусовнинг бу эзгу ниятлари, эл орасида топган иззат-ҳурмати ҳамиша йўлдоши бўлсин деймиз.

Эътибор АҲМЕДОВА,
Фарғона вилояти.



БАНК ХИЗМАТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ҳозирги кунда Марказий банк мутахассислари масофадан туриб банк хизматини кўрсатиш бўйича иш олиб боришмоқда. Республикамиз банк тизимида «Банк-клиент» тизими 1998 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Эндиликда Марказий банк ходимлари «Телефон-банкинг» ва «Интернет-банкинг» тизимларини жорий қилишни режалаштиришган. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга асосан «Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш» Марказий банкнинг асосий вазифаси қилиб белгиланган. Бу вазифани бажариш учун бир қанча ишларни амалга оширилди. «ORACLE» — маълумотлар базаси асосида бошқариш тизими ишлаб чиқилди ва жорий қилинди. Натижада банклараро тўловларнинг ўтиш муддати 15 минутгача, банк тўловларининг ўтиш муддати эса 3-5 минутгача қисқарди ва кейинчалик реал вақт режимида ишлаш имкони яратилди.

Электрон тўлов тизими жорий қилиниши натижасида республика бўйича тўловлар ўтиш муддатининг олдинги 4-9 кун ўрнига бир неча дақиқаларда амалга оширишга эришилди. Почта орқали қоғоз ҳужжатларни жўнатиш ва энг асосийси, уларни қалбакилаштиришнинг олди олинди. Муомаладаги пул маблағининг айланиш тезлиги ошганлиги натижасида маблағ танқислиги камайди ва хўжалик субъектларининг мамлакат иқтисоди ривожланишига қўшадиган ҳиссаси салмоқли даражада орта бошлади. Агар ҳозирги кунда тўлов тизими орқали кун давомида 170-180 миллиард сўмга тенг бўлган 140-150 мингта тўлов ҳужжати ўтказилаётганини инобатга олсак, унинг аҳамияти ўз-ўзидан маълум бўлади. Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичларида республика банклари ва бошқа ташкилотлар жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириш мақсадида ўз ишларида энг янги технологияларни қўлламоқда ва тадбиқ этмоқда.

2006 йил 1 июнь ҳолатига кўра республикамизда 28 та тижорат банки ва уларнинг 812 та филиали ягона вакиллик ҳисоб варағи орқали фаолият кўрсатмоқда. Ривожланган давлатлар тажрибасидан кўриниб турибдики, тўловларни ягона вакиллик ҳисоб варағи орқали амалга ошириш банкларга стратегик режалаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва аудитни юритиш бўйича ягона сиёсат ишлаб чиқиш, ҳисоб-китоблардаги маблағларни бўшатиш ва улардан унумли фойдаланиш, ўз вақтида бошқарув қарорларини қабул қилиш, банкнинг барча маблағларини битта жойда — Бош банкда бирлаштиришга имкон беради. Бундай технологияларни қабул қилиш тижорат банклари учун Бош банк билан бўладиган ишончли алоқаларни таъминловчи банк телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришга, дастурий таъминотларни яратишга олиб келади.

Ҳозирги кунда Марказий банк тизимида ягона баланс технологиясига ўтиш бўйича дастурий мажмуа яратилган ва уни жорий қилиш борасида иш олиб борилмоқда. Тижорат банкларида ягона баланс ва бошқариш учун ахборот тизимини жорий этиш кундалик тўловлар ўтказиш учун банд бўлган маблағларнинг бўшашига сабаб бўлади. Банк бўлимларидаги қўлда бериладиган ҳисоботлар ва тезкор маълумотлар ахборотлар тизими орқали узатилиб, шу иш билан машғул бўлган хизматчиларни бошқа ишга жалб қилиш имкониятини яратади. Банкнинг мавқеи қайси бўлимда мустаҳкам, қайси бўлимда заифлиги тез таҳлил қилинади, банк сармоядорларига ҳамда чет эллик ҳамкорларга шу банк билан ишласа бўлади, деган ишонч беради.

Мамлакатимизда миллий тўлов тизими аста-секин такомиллаштириб борилмоқда. Замонавий ва рақобатбардош банк фаолиятини ташкил қилиш ҳукуматимизнинг диққат-эътиборида бўлиши миллий тўлов тизимини янада ривожлантириш ва бу орқали банк соҳасида янги техника ва технологияларни қўллаш, банк хизмати турларини кенгайтириш ҳамда аҳоли ва хўжалик субъектларининг пул маблағларини тез ҳамда ишончли ўтказиш имкониятларини яратиши табиий.

Абдумажид ЯҲЯЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

БОЗОР ОЗОР БЎЛМАСИН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бозорчилар олиб чиққан нарсаларини очиқ майдонда, ёзда чанг-тупроқ, қишда қор-ёмғирда ерга ёйиб қўйиб, савдо қилишади. Бозор маъмурияти фақат пул йиғими билан овора. Ҳеч бўлмаганда оддий қулайликлар яратиш ҳақида ҳеч ким ўйламайди. Мол бозорларини-ку, қўяверасиз. Шу йил қишда Челак, Пайариқ мол бозорларига бориб, тизза бўйи балчиқлигидан кира олмай қайтгандик. Одамларнинг бир-бирига муомаласи ҳам шунга яраша. Кимдир бақирган, кимдир сўкинган... Ветеринария таҳлилхоналари номигагина ишламоқда. Бозорга олиб чиқилган мол ёки маҳсулот тўғрисида тегишли маълумотлар, сотувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳеч кимни қизиқтирмайди. Бозорни обод қилишни ўйлайдиганлар кўпчиликнинг асабини қақшатаётганларини билишармикан?!

Ургутда бозор кунлари йўллар тирбанд бўлиб кетади. Автомашиналар сафи соатлаб жилолмайди. Шифохонага шошилаётган тез ёрдам машинаси, ўт ўчириш командаси аъзолари хизматида кечикиш ҳоллари учрамоқда. Бозор ичкарисидаги аҳвол бундан ҳам баттар. Бир-бирини йўқотиб қўйганлар, нафаси қисиб ўтириб қолганлар қанча. Ўйланиб қоласан киши, наҳотки шусиз ҳам тор шаҳар — тоғ бағридаги Ургутда шунчалар гавжум бозорлар бир жойда тўпланса! Ахир бозорларнинг айримларини кенг майдонга кўчириш режалаштирилган, лойиҳалар тузилган, қурилишлар ҳам бошлаб юборилган эди-ку! Буларнинг барчаси бозорлар ривожи, маданияти юксалиши билан боғлиқ оғриқли саволлардир.

Бозорларимизни ривожлантириш, халқаро талабларга жавоб берадиган маданиятини қарор топтиришга мамлакатимизда жиддий эътибор қаратилмоқда. Гап бозорлар жамоалари, вилоят бозорлар уюшмаси, маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳукумат қарорлари ижросига нечоғли киришишларига боғлиқ. Бу борада Самарқанд шаҳридаги «Сиёб» акциядорлик жамияти, «Азиз» сингари хусусий бозорлар фаолиятидаги қулайликлар, ободонлаштириш ишлари ибрат намунаси бўла олади.

Ўктам ҚУРБОНОВ.

ЁШЛАР ДАВРАСИДА

ЎзМТДП ташкил топганининг 11 йиллиги муносабати билан Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги қурилиш-иқтисод касб-ҳунар коллежида «Миллий тикланиш ва ёшлар» мавзуида тадбир ўтказилди.

Тадбирда тумандаги бир гуруҳ партия фаоллари, талаба ёшлар ва уларнинг устозлари иштирок этишди. Дастлаб сўзга чиққан ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова партия ҳаёти, ўтган давр мобайнида бажарилган ишлар ва режадаги вазифалар ҳақида гапириб, фаолиятида ёшлар муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Шундан сўнг, коллеж директори Ш.Турсунбоев сўзга чиқиб, коллеж ҳаёти, ёшларга етти хил касб-ҳунарнинг сир-асрорлари ўргатилаётгани ҳақида гапирди. Кейин «Тонг юлдузи» газетаси бош муҳаррири, шоира Умида Абдуазимова ҳам ёшлар келажагига катта умид билдирди. ЎзМТДП ёшлар кенгаши ишлари шўъбаси мутахассиси Акмал Рўзитоев ёшлар олдидаги муҳим вазифалар ҳақида гапирди. Миллий руҳдаги куй-қўшиқлар, коллеж фольклор ансамбли чиқишлари тадбирга файз киритди.

Йиғилиш сўнгида тадбир иштирокчиларининг бир гуруҳига партияга аъзолик гувоҳномаларининг янги нусхаси ва эсдалик совғалари берилди.

Ўз мухбиримиз.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК НИМА?

Интеллектуал мулк ҳар хил кўринишда бўлади. Китоблар, фильмлар, бадиий томошалар ва компьютер программалари шулар жумласидандир. Бу тоифадаги мулк ҳозирги кунда халқаро савдо-сотиқ алоқаларида муҳим ўрин тутмоқда. Миллионлаб патентлар, маркалар дунё бўйича ўз куч-қудратига эга. Бугунги кундаги иқтисод, интеллектуал мулкка асосланган билимлар, буюк кашфиётлар, шунингдек, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ривожланишнинг асосий қуроли бўлиб қолмоқда.

Билиб қўйган яхши

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти агентлиги бўлган Дунё интеллектуал мулк ташкилоти жаҳон интеллектуал мулкини ҳимоя қилиш ишига масъулдир.

Интеллектуал мулк икки қисмни ўз ичига олади. Биринчисига саноат мулкига кашфиёт, савдо белгилари ва саноат лойиҳаларини киритишимиз мумкин. Иккинчиси, муаллифлик ҳуқуқи бўлиб, унга адабиёт, мусиқа, санъат, фотографик ва аудио кўринишидаги ишлар киритилади.

Дунё интеллектуал мулк ташкилоти интеллектуал мулкнинг аҳамиятли жиҳатларини қамраб олган 23 келишув асосида иш юритади. Ташкилот арбитраж ва ахборот маркази дунё бўйича шахслар ҳамда компанияларнинг муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради. Бу марказ рўйхатга олишдаги суистеъмолчиликлар ва рухсатсиз Интернет доменлари номларини ишлатиш бўйича ишларни кўриб чиқади.

Жамшид ҲАСАНОВ,
Отабек ҲОЖИМАТОВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари.

БОЛАЛАР МАЪНАВИЯТИ

Ҳамма замонларда китоб ва китобхонлик масаласи фикр кишиларини қаттиқ ўйлатиб келган. Фикр кишилари деганда мен зиёлиларнинг ҳамма тоифасини — ёзувчилар, ҳакимлар, муҳандислар, ўқитувчилар, маданият хизматчилари, кутубхоначилар ва санъат кишиларини назарда тутаман.

Абу Али ибн Сино болалар мактаб ёшидаёқ она тилини жуда пухта билишлари ва ахлоқий-маънавий достонларни таҳлил қила оладиган даражада ўқимишли бўлишлари шартлигини, мактабларда фанлар ва санъатлар кенг миқёсда ўқитилиши кераклигини айтади.

Чиндан-да, китоб — ўсаётган боланинг яқин сухбатдоши бўлса, унинг комил инсон бўлиб етишишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Китоб камолотнинг энг ажойиб дориси ва айни чоғда энг зўр овунчоғи бўла олади. Китоб — ичи билимлар билан тўла очил дастурхонга ўхшайди. Унинг ичида ўткир сўзлар шу қадар кўпки, бирини ўқиб билимларинг ортса, бирини ўқиб, баҳри-дилинг очилади. Хоҳласанг, ундаги латифалардан ичагинг узилгудай қотиб-қотиб куласан, ғаройиб ва ғалати воқеалардан ҳайратланиб ёқангни ушлайсан, кўпинча одамларнинг бошидан ўтган воқеалар ва қаҳрамонларнинг дил изҳорлари билан танишиб, маъюс тортишинг ҳам мумкин. Ёзувчиларнинг бири вақтингни чоғ қилса, бири гўзал ҳаёт учун курашга ундайди. Ҳар қайси ҳолатда ҳам инсон туйғуларини гўзаллаштиради. Ва ҳамма замонларда жамиятдаги ҳаёт тарзининг ўзгаришлари китобхонлик даражасини турли ҳолатларга солиб туради.

Бизнинг ҳаётимизда ҳам шундай бўлди. Жамиятимиз бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиши билан болалар китобхонлиги сусайди.

15 ёшлилар ўртасида ўтказилган тадқиқотлар натижа-сига кўра Финландия, Канада, Янги Зеландия, Австралия, Ирландия, Корея, Буюк Британия, Япония, Швеция, Австрия каби давлатлар яхши натижалар кўрсатишган. Китобхонликнинг энг юқори савиясини кўрсатган Буюк Британияда 15 фоиз ўқувчилар туришибди. Экспертларнинг баҳосига кўра Ўзбекистонда китобхонлик даражаси бирмунча паст.

Шу йилнинг апрель ойидан бошлаб республикамизда болалар китобхонлигини юксалтириш борасида қатъий бурилиш қилишга киришилди.

Ҳар қалай менда шундай таассурот уйғонмоқда. Яқингинада Тошкент вилоятининг Зангиота туманида Болалар кутубхонаси китоб марафони ўтказилган ва унда марказий кутубхоналар, ҳомийлар, болалар ёзувчилари мазкур кутубхонага бир талай китоблар совға қилишган эди. Бу тадбирда мен ҳам иштирок этиб, болалар маънавиятининг етакчилари билан танишган эдим. Шулардан бири Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг масъул хизматчиси Ғулом Назруллаевдир. Мана, энди Навоий шаҳрида "Болалар кутубхоналарининг янги иш усулларини жорий этиш" мавзуида Республика семинар-кенгашида иштирок этяпмиз.

Навоий вилоят болалар кутубхонаси Вилоят Илмий универсал кутубхонаси тасарруфидан ажратилиб, 2000 йили 16 декабрда 14660 нусха китоб жамғармаси билан ташкил этилган ва ҳозирги кунда унинг жамғармаси 40336 тага етган. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика Давлат болалар кутубхонаси тадбирни ана шу кутубхонада ўтказишга қарор қилишган эди.

* * *

Яшириб нима қиламан: тадбирга боратуриб, кўнглимда озгина хавотир ҳам бор эди. Кейинги йилларда нечанеча болалар кутубхонасининг эшигига чақалоқнинг калласидай қулф осиғлиқ турганини кўргандим. Улар амалда ишламас, китоб жамғармасини алланималар кемираётгандай кўринарди.

Мен Москва, Санкт-Петербург, Анқара ва Истанбул кутубхоналарининг нақадар катта бойликка эгалигини, уларда билим орттириш учун катта имконлар яратилганини кўриб, биздаям бир кун шундай бўлармикин, деб ўксинган пайтларим ҳам бўлганди. Чунки уларнинг кутубхоналарида кино, спорт, мусиқа, рақс заллари ҳам бўлиб, болаларга турли касб-ҳунарлар ўргатилар, бизда эса булар йўқлиги етмагандай, кутубхоналарнинг ўзи ҳам тўла ишламасди...

Семинар-кенгашни очган Э.Раҳмонов вилоят кутубхоналарининг ишлари ва бу анжуманнинг катта амалий аҳамияти ҳақида гапиргандан кейин келган меҳмонларга бирма-бир сўз бера бошлади.

Қуйида мен нотиқларнинг сўзларидаги асосий нуқталарни газетхонлар ҳукмига ҳавола қиламан:

Ғулом Назруллаев, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг маданий, маърифий ва музей ишлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари:

— Мен ёш авлодни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашда болалар кутубхоналарининг вазифасига тўхталаман. Ўзбекистон Президентининг "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори бизга янги-янги имкониятлар очиб берди ва зиммамизга янги масъулиятлар юклади. Чунончи, "Ватан сенсан энг гўзал чаман" шиори остида мустақиллик йилларида чоп этилган адабиётлар кўргазмасини ташкил этиш кутубхоначилар зиммасига юклатилган. 25 май – 2 июнь кунлари бутун республикада китобхонлар ҳафталиги ўтказилади. Бизнинг бугунги энг муҳим масалаларимиздан бири болалар кутубхоналарини лотин алифбосидаги китоблар билан бойитишдир. Кутубхоначиларнинг малакасини ошира бориш ҳам жуда муҳим. Болаларни кутубхоналарга жалб қилиш учун уларни кутиб ўтириш ҳам тўғри эмас. Биз ўзимиз китобхон олдига боришимиз ва яхши китоблар тарғиботини ташкил қилишимиз керак. Айниқса, бу ишда мактаб-кутубхона-маҳалла биргаликда ишлаши яхши самара беради, деган фикрдамиз.

Фотима Бухарова, Республика Давлат болалар кутубхонаси раҳбари:

— Элчихоналар билан ҳамкорликда иш олиб боришни фаолиятимизнинг ўзига хос томонларидан бири деб биламан. Шу йилнинг уч ойи ичида Россия, Украина, Польша элчихоналари билан турли йирик тадбирлар ўтказдик. Масалан, рус болалар ёзувчиси Агния Бартонинг 100 йиллигига бағишлаб мактаб ўқувчиларининг расмлар кўргазмасини ташкил этдик. Польша элчихонаси, Украина элчихонаси ва Украина Маданият маркази билан бирга "Мен ва кучукчам" деб номланган расмлар кўргазмасини ташкил қилдик ва унда мактаб ўқувчиларининг 400 та расми намойиш этилди. Япония элчихонаси билан ҳамкорликда кутубхонамизга аъзо бўлган мактаб ўқувчиларини япон урф-одатлари, маданияти билан таништирдик, анъанавий япон лайлаклари ясашни ўргатдик. Натижада китобхонларимиз янада кўпайди.

2003 йилда Маданият ва спорт ишлари вазирлигидан Японияннинг маданият соҳасидаги грантининг шартлари тўғрисидаги нотани олдик ва грант лойиҳасини ишлаб чиқдик. Малакали мутахассисларга эга эканлигимиз ўз самарасини берди. Дунё мамлакатларидан 2000 дан зиёд тавсия қилинган лойиҳалар ичидан бизнинг лойиҳа устун деб топилди ва биз энг замонавий техник асбоб-ускуналардан иборат ялпи қиймати 240 минг АҚШ долларига тенг бўлган грантга эга бўлдик.

Тажрибаларимизни лицей ва коллеж кутубхоналарининг мутахассисларига назарий ва амалий ёрдам кўрсатиш тарзида амалга ошириб, уларнинг муаммоларини биргаликда муҳокама қилмоқдамиз.

Улфат Собиров, Республика Давлат болалар кутубхонаси бош кутубхоначиси:

— Ҳар бир кутубхонага Интернетнинг бепул хизмати 5-6 миллион сўмга тенг келади. Бизнинг тез ҳал қилишимиз керак бўлган вазифаларимиздан бири туман кутубхонала-

● *Ҳуқуқингизни биласизми?*

СУД ОРҚАЛИ ҲИМОЯ

Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 9-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаганлар мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан (қарорларидан), шунингдек, ҳаёти ёки соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий эркинлиги ва молмулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эгадир.

Фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд орқали самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида суд муҳокамасининг барча босқичларида ва қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги масалалар судлар томонидан кўрилаётганда прокурор иштирок этади.

Фуқароларнинг суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи, шунингдек, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддасида, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенциясининг 6-моддаси 1-қисмида ҳам мустаҳкамланган.

Суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи тамойили фуқаролик процессуал кодексининг 1-моддасида қайд этилган. Унда белгиланишича, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар қандай манфааатдор шахс бузилган ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли.

Фуқаролик процессуал кодексининг 349-моддасида назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати кўрсатилган. Лекин фуқароларга назорат тартибида шикоятни тўғридан-тўғри келтира олиш ҳуқуқи берилмаган. Бу ҳолатларни бартараф этиш мақсадида фуқароларга тўғридан-тўғри назорат тартибида шикоят (протест) келтириш ҳуқуқини бериш ёки бермаслик тўғрисида ўйлаб кўриш керак. Ушбу масаланинг ҳал этилиши фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи кенгайишига, назорат инстанциясига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш ҳуқуқининг вужудга келишига олиб келади.

Суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи тамойили учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқини даъво қўзғатиш ҳуқуқи белгилаб беради.

Суд орқали ҳимояланиш учун мурожаат қилиш ҳуқуқи фуқароларнинг бирор бир ҳуқуқининг бузилиши ёки унинг низоли эканлиги билан боғлиқ. Ўз ҳуқуқлари бузилган деб ўйлаган ҳар қандай шахс судга мурожаат қилиши мумкин. Прокурорлар томонидан ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз ҳал қилув қарорлари устидан апелляция тартибида протест келтириш ҳолатлари суд амалиётида кўплаб учрайди. Суд ҳал қилув қарорларига нисбатан прокурорлар томонидан келтирилган протестлар асосида аксарият ноқонуний чиқарилган суднинг ҳал қилув қарорлари бекор қилинмоқда. Прокуратура органлари апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида ҳам фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи тамойилидан самарали фойдаланишини таъминлашда фаоллик кўрсатмоқдалар.

Суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи тамойилини амалда мустаҳкамлаш мақсадида қонунда фуқароларга ўзларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг қулай ва қисқа муддатларда ҳимояланиш, бузилган ёки етказилган зарарни ундириш учун кафолатлар белгиланган. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил «Давлат божи ставкалари тўғрисида»ги қарорида давлат органлари, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлар) устидан шикоят қилганлик учун давлат божини суд ишни кўриб чиққач, айбдордан ундирилиши айтилади. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасида ҳам айрим фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилувчи шахсларнинг давлат божи тўлашдан озод қилинишидаги имтиёзлар ҳақида гап боради. Суд амалиётида айрим ҳолларда даъво аризалари учун асоссиз равишда давлат божини тўлашни талаб қилиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Бу эса суд орқали ҳимояланиш тамойилининг бузилишига олиб келмоқда. Мана, бир мисол, фуқаро Ҳайдаров судга даъво билан мурожаат қилиб, вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига ишга тиклаш ҳамда 338.500 сўм моддий ва маънавий зарар ундиришни сўраган. Суд давлат божи тўланмаганлигини асос қилиб, аризани ҳаракатсиз қолдириш ҳақида ажрим чиқарган. Шу сабабли Ҳайдаров 45.000 сўм давлат божи тўлаган. Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати қуйидаги асосларга кўра суд ажримини бекор қилиб, тўланган 45.000 сўм давлат божини Ҳайдаровга қайтарди.

> Суд амалиётида фуқаролик ишларини кўриш муддатларининг бузилиши, яъни қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқилмаслиги суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи тамойилининг бузилишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 277-моддасига мувофиқ ходимлар меҳнатига доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича судга мурожаат қилганларида суд харажатларини тўлашдан озод қилинадилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуни 4-моддасининг «а» бандига кўра, даъвогарлар иш ҳақини ундириб олиш тўғрисидаги даъволар ва меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа талаблар юзасидан давлат божини тўлашдан озод қилинадилар.

Фуқаролик ишларини қонунда белгиланган муддатларга риоя қилинмасдан кўрилиши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири фуқаролик процессуал ҳуқуқининг узлуксизлик тамойилини фуқаролик процессуал қонунчиликдан чиқариб ташланганлиги бўлса, иккинчидан, ҳозирда фуқаролик ишлари бўйича судларда фуқаролик ишлари ҳажмининг йилдан-йилга ортиб боришидир. Бу эса ўз-ўзидан судлар томонидан бир фуқаролик ишини ҳал қилмасдан туриб, бошқа фуқаролик ишларининг кўрилишига, шошма-шошарлик билан ҳал этилишига, ишнинг ҳақиқий ҳолати, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаслигига сабаб бўлмоқда. Қолаверса, бу ҳолатлар ўз навбатида фуқаролик процессуал ҳуқуқининг бошқа тамойиллари бузилишига ҳам олиб келяпти. Бизнингча, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи тамойилини янада такомиллаштириш мақсадида фуқаролик процессуал кодексининг 11-моддасига узлуксизлик тамойилини киритиш керак. Мазкур тамойилнинг қонунчиликка киритилиши фуқаролик ишларининг қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқилишини мустаҳкамлайди.

Д.ҲАБИБУЛЛАЕВ,
ТДЮИ «Фуқаролик процессуал ҳуқуқи» кафедраси ўқитувчиси.

● *Китобхон ва жамият*

ЖОНКУЯРЛАРИ

"Вилоятимиз бойликлари" мавзуларида кўргазмалар ташкил этилган. Китобхонларнинг эҳтиёжларини ўрганиш мақсадида кундалик газета-журналларнинг мавзу доиралари ҳақида картотекалар тузилган. Шунингдек, юбиляр ёзувчилар ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар йиғилиб, библиографик қўлланмалар, буклетлар тайёрланиб, болалар кутубхоналарига тарқатилади.

Хушнуд Мирзаев, Сирдарё вилояти болалар кутубхонаси раҳбари:

— Бизнинг вилоятимизда кутубхона хизматининг беминнат турларидан ташқари пуллик хизмат турлари ҳам жорий этилмоқда. Улар ахборот (назорат ишлари, рефератлар, курс ишлари, маърузалар, нутқлар), ахборот манбаларини қидириб топиб бериш, тавсиявий рўйхатлар тузиш, нашрларга шарҳлар тайёрлаш ва ҳоказолардан иборат. Пуллик хизматдан топилган даромадлар биринчи навбатда болалар кутубхонасини техника билан жиҳозлашга ишлатилиши шарт. Мана, биз шундай ишлар натижасида 2005 йилда кутубхонамизга 5 та замонавий компьютер сотиб олдик. Ўз навбатида бу компьютерлар ёрдамида Республика бўйича кутубхоналар ўртасидаги ахборотлар алмашинуви ва ишларини интернет билан ишлашга ўтказишдир. Шунда электрон почта орқали ҳисоботлар олиб туриш мумкин бўлади. Кейинги бир йил ичида Сирдарё, Андижон, Навоий вилоятларининг болалар кутубхоналарида интернет-почта хизмати йўлга қўйилди.

Зебохон Турсунова, Навоий вилояти болалар кутубхонаси раҳбари:

— Кутубхонамиздаги олти бўлимнинг ўз иш услуби ва иш режалари бор. Мен шулардан бирини — ўлкашунослик ва библиография бўлимининг тажрибаларини сизлар билан ўртоқлашаман. Ҳозир бўлимнинг китоб фонди бор-йўғи 161 тани ташкил этади. Бу бўлимнинг асосий вазифаси китобсевар болаларнинг сўровномаларини бажариш ва картотека каталоглар билан ишлашга йўналтирилган.

Ҳар бир киши ўзи туғилган жой — қишлоқ, туман, вилоят номининг маъносини, тарихини билиши лозим. Шу боис бу ерда "Ўз ўлкангни ўрган", "Вилоятимиз қаламкашлари", "Юнуслар", "Молодость", "Крокодил" журналларида чоп этилган, "Литературная газета"да чиққан, рус ёзувчилари ва танқидчилари томонидан ижобий баҳоланган, бир қатор чет тилларига ҳам таржима қилинган. Турли мукофотларга сазовор бўлган. Айни чоғда у байналмилал жангчи, Венгрия ва Афғонистон урушлари қатнашчиси. Бир қатор жанговар орден ва медаллар совриндоридир. Ҳозир Навоий вилояти ҳокимиятида маънавият ва маърифат ишлари бўйича масъул вазифада ишлайди.

— Навоий жуда тоза ва чиройли шаҳар бўлибди, — дейман.

— Ҳа, баъзилар шаҳарни "Кичик Москва", дейди, баъзилар "Баден-Баден"... Шаҳардаги маданият ва спорт саройлари Навоий асарларининг бош қаҳрамонлари номи билан аталган. Мана бу ер **Алишер Навоий боғи.** 2001 йилда улуғ шоиримизнинг 560 йиллиги шу ерда нишонланди.

— **Вилоят Болалар кутубхонаси** ҳам жаҳон кутубхоналари даражасига кўтарила бошлабди.

— Шаҳримиз кун сайин, ҳафта сайин катта суръатлар билан гўзаллашиб, ободлашиб бормоқда. Ҳатто мен ўзим ҳам қаерда, қандай ўзгаришлар бўлганини илғаб улгурмайман. Биласизми, сиз келаётганингизни эшитганимда, семинар-кенгаш қаерда ўтишини сўрасам, вилоят болалар кутубхонасида, дейишди. Кутубхона таъмирталаб-ку, десам, «Яқинда таъмирландi!» — дея жавоб қилишди. Чиндан ҳам навоийликлар ғурурланса арзийдиган кутубхонага айланибди!

Мен семинар-кенгашдан сўнг болалар маънавияти учун қайғураётган жонкуярлар сафи анча кенгайганини ҳис қилдим.

Миразиз АЪЗАМ.

Марказ "Ўзингни бил" шиори остида эстетика, руҳият, ахлоқ йўналишлари бўйича ишлайди. Натижада ўспиринлар маънавий қадриятларнинг асосларини, оила, муҳаббат ва бурч нималигини англаб етадилар, ўзликни англаш, руҳий зарбалар ва керексиз тўқнашув ҳолатларидан омон сақланиб қолиш йўлларини билиб оладилар.

Сарвара Нарзиқулованинг нутқи жуда катта қизиқиш билан қабул қилинди. Мен гапни лўндалаштириш мақсадида айрим парчаларни келтирдим, холос. Семинар аҳли Самарқанд болалар кутубхонасининг иш тажрибасини барча кутубхоналарга ёйиш тўғрисида қарор қабул қилди.

* * *

Семинар-кенгаш икки кун давом этди.

Биз Бақо Саид иккимиз оқшомлари олган таассуротларимиз билан ўртоқлашиб меъморчилик услубига кўра Марказий Осиёда ягона бўлган гўзал Навоий шаҳрининг озода ва соя-салқин майдонларида айланиб юрдик.

Бақо Саид Горький номидаги Адабиёт институтида ўқиган, рус типида ижод қилувчи ўзбек ёзувчиларидан. Унинг қисса ва ҳикоялари маънавий қадриятларга муносабатнинг ўзгариши, яшашга қизиқишнинг қолмаслиги, гиёҳвандлик каби унсурларга учраяпмиз. Шунинг учун марказ оилавий муносабатлар ўрнатишни, оилавий анъаналарни тиклашни, ота-оналар билан болаларнинг маънавий бирлигини сақлашни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

Марказ ҳисобидаги ўқувчилар ва талабалар кутубхонаси орқали Ўзсаинет провайдерига уланиб, ойига 100 интернет соатини олдик.

Моҳира Сиддиқова, Наманган вилояти болалар кутубхонаси раҳбари:

— Бизнинг кутубхона 1983 йилда махсус қурилган 2 қаватли бинода жойлашган. Китоб жамғармамиз 114 минг дона, китобхонларимиз эса 4200 ўқувчидан иборат. Бизда турли мавзуларда кўргазма, суҳбатлар, тавсиявий рўйхат, адабий кеча, библиографик шарҳлар, услубий қўлланмалар ташкил этилади.

Аваз Қўлдошев, Андижон вилояти болалар кутубхонасининг раҳбари:

— 2005 йилда Муҳаммад Юсуф номидаги Андижон вилоят болалар кутубхонасида аҳолига пуллик хизмат ташкил этилди. Услубий маслаҳатлар, услубга оид турли буюртмалар, қўлланма ва дарсликлардан вақтинча фойдаланиш, болалар ўқишига раҳбарлик қилиш учун ҳам белгиланган миқдорда ҳақ олинади. Бизда яна хонани вақтинча ижарага бериш, машҳур кишилар билан учрашув ташкил қилиш ва кутубхоначилик курси хизматлари ҳам бор. Компьютерда материалларни ёзиб бериш, сканерда нусха олиб бериш, тантаналарни видеога олиш, ксерокопия хизматлари ҳам кўрсатилмоқда.

Сарвара Нарзиқулова, Самарқанд вилояти болалар кутубхонаси раҳбари:

— Абу Райҳон Беруний номидаги Самарқанд вилояти болалар кутубхонасининг фаолият доираси анча кенг. Мен фақат кутубхонамизда ташкил этилган **Ўспиринларга руҳий ва маънавий ёрдам марказ**инг иш тажрибалари ҳақида гапираман. Марказнинг бош мақсади ўсиб келаётган авлодни боқий ҳақиқатлар, руҳий-маънавий қадриятлар оламига олиб киришдан иборат. Бу инсон ҳаётининг мазмунидир. Бу дунёда сен кимлигинги билишинг ва теваракдаги олам билан, ўз-ўзинг билан мутаносиб бирликда яшай билишинг лозимлиги исбот талаб қилмайдиган олий ҳақиқатдир.

Кейинги йилларда биз кўпгина салбий ҳодисалар – ахлоқ бузилиши, ижтимоий қийинчиликлар, болаларда

Элларни боғловчи КЎПРИК

Хорижий тилларни билиш моддий оламни бир неча томондан кўришга имкон яратади, бу эса дунёни кенгроқ, чуқурроқ билишга йўл очади. Шунга кўра, айни пайтда хорижий тилларни ўрганиш, уни илмий тадқиқ қилиш, эркин ва дадил мулоқотда бўлишни йўлга қўйиш давр талабидир. Бу таржимонлар ишининг ривожида ҳам катта аҳамият касб этади.

Таржима орқали халқлар бир-бирлари билан муомалада, адиблар мулоқотда бўлганлар. Олимлар ўзаро фикрлашганлар. Хоҳ адабий, хоҳ илмий, хоҳ сиёсий китоблар таржимаси бўлсин, ҳамма замонларда ҳам халқ, маданият, фан, адабиёт ва санъат бундан фақат наф кўрган.

Таржимон китоб матнини бир тилдан бошқа тилга кўчирувчи котиб, тилмоч эмас, балки тил соҳасида дадил янгилик яратувчи, жўръатли ижодкордир. Муаллиф ва таржимон муносабати хусусида шуни айтиш керакки, муаллифнинг илмий даражаси, нуфузи ва адабий салмоғи қанчалик юқори бўлса, таржимоннинг масъулияти шунча ортиб боради.

Тадқиқотларда XIX аср таржимага бой аср сифатида таъкидланади, чунки бу даврга келиб ўнлаб адиблар таржима билан шуғулланиб, юзлаб асарларни она тилига ўгирганлар. Бу даврда таржимага алоҳида ижодий касб сифатида қаралган ва Хоразм хонлигида, айниқса, бунга эътибор кучайган. Хоразмнинг атоқли адиблари Мунис, Огаҳий, Комил, Баёний, Табибий, Мирзо, Ҳабибий, Раҳмонқул қори, Муҳаммад Наҳҳор, Ҳамид Олимжон, Мирзакалон Исмоилий, Уйғун, Зулфия ижоди, «Ўзбекистонда таржимачилик» китобида эса урушдан кейинги давр таржимачилиги анъаналари устида тўхталиб ўтилади. Китоб муаллифлари таржимачиликнинг умумий аҳволини кўрсатиш учун бу ишга ҳисса қўшган ижодкорлар меҳнатини баҳолашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Кейинги пайтда билвосита таржимадан бевосита таржимага ўтиш ҳаракатлари кучайганлиги қувончли ҳолдир. Мисол тариқасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, моҳир таржимон Амир Файзуллонинг ҳинд тилидан қилган «Маҳабҳорат», «Мирзо Ғолиб», «Рамаяна» каби кўп серияли фильмлар, роман, ҳикоя ва шеърий асарлари, шунингдек, таниқли олмоншунос Янглиш Эгамовнинг немис тилидан она тилимизга ўгирган роман ва ҳикоялари ҳамда олмоншунос Хуррам Раҳимовнинг олмон эртакларидан таржималарини келтириш мумкин.

Ўзбекистон телевидениеси орқали такрор ва такрор намойиш этилаётган япон кино ижодкорларининг «Ошин» ва «Сарой жавоҳири» номли кўп серияли киноленталари ўзбекчага инглиз тилидан воситачи тил ёрдамисиз тўғридан-тўғри таржима қилиндики, бу бошлаб юборилган ижобий жараённинг илк меваларидир.

Ўзбек таржимачилиги

Ҳозирги кунда юртимизда таржима илми тараққий этиб, ҳам назарий, ҳам илмий жиҳатдан таржимашунослар ҳамда таржимонлар кўпайиб бормоқда. Бу соҳада шуни унутмаслик лозимки, таржима қилинаётган асар таржимоннинг ижод дунёсидан ўтиши, унинг қалбида қайта яралиши лозим.

Элеонора УСМОНОВА,
Низомий номидаги ТДПУ чет тиллар факультети 4-босқич талабаси.

Куни кеча кимдир менга «Кечалари уйқунг ўчиб кетгани, ҳадеб ёзаверишинг, қўлингга тушган китобда нима ёзилганлигини билмасанг, чидаб туролмаслигинг... ҳақиқий касаллик-ку. Бунча жонингни азобга қўймасанг, гулдек очилганимиз билан бир кун ҳаммамиз сўламиз», деди. Йўқ, йўқ, тўғрироғи, «ўламиз» деди. Мана энди унинг кимлигини эслаяпман. Эслаяпману... кечаги воқеаларнинг ҳаммасини бирма-бир хотирлашимга ҳожат йўқдек туюляпти. Фақат бир нарса ёдимда мухрланиб қолган. Унинг қўлларида (билмадим, қайси тош юрак одам уни шу ҳолга солган) патлари шафқатсизларча юлиниб, (кўрсангиз титраб кетасиз) табиат ато этган гўзаллигидан маҳрум қилинган бир бечора ғариб укки бор эди...

Ҳозир эса ясатилган той устида ўтирган, дунёдан бехабар тўйболанинг қоғоз пуллар қистирилган дўпписининг бир бурчагидаги укпарларга қараб, негадир йиғлагим келяпти. Ҳамма ўзи билан ўзи оввора. Кимдир қарсак чалиб қийқиради, кимдир ўйнайди. Бошқа биров худди ўзининг тўйи бўлаётгандек, хурсандлигидан босар-тусарини билмай қолган. Кимдир тўйболанинг бошидан бир даста пул сочади... Ана, ур-йиқитни кўринг, анави оғироёқ келинчакнинг чаққонлигини айтмайсизми, кўнглида кири йўқ бечоранинг. Лабига қип-қизил бўёқ суртилган, ёшларига номуносиб бўлса-да, тўйга деб атайин тиктирилган (шу куннинг «мода»сига мос) ялтир-юлтир кўйлак кийган, сочига оқ оралаган аёллар ҳам бугунги бахтдан бебаҳра қолишмади.

Фақат ҳали она сути оғзидан кетмаган қўнғироқ сочли қизалоқнинг юз сўмлик пулни ғижимлаб ташлаган қўлчаси қонга белангани ёмон бўлди-да. Шу пайт аллақаёқдан «Прокат»га олинган тойни уриб бўлармиди, илоё қўлгинангни қайирган оёққинаси синсин», деган аламли нидо эшитилди. Карнай-сурнай овозлари тинди... Уйга қайтаётганимда катта-катта тоғораларга ағдарилаётган тансиқ таомларни кўриб кўзларим тиниб кетди. Қайсидир хизматдаги келинчак мантига идиш бўшатаётганда тамаки қолдиқлари бор косадаги овқатни ҳалиги тоғоралардан биттасининг устига шалоплатиб тўкди... Исрофгарчилик... Негадир ёдимга қайсидир китобда ўқиганим — очарчилик йилларида кўк ўт еб шишиб ўлган одамлар келиб, юрагим эзилиб кетди. Эшитишимга қараганда, ўша йиллари қушхонанинг эшигида пайт пойлаб турувчи, иссиққина қонни қиздирилган қозонда қовуриб тўқтутар егулик тайёрловчи кишилар ҳам кўп бўлган экан...

* * *

Йўлда... бу йўлларда кўп нарсаларнинг гувоҳи бўлганман. Тупроқ кўчалар, тошли йўллар, кенг, равон тошкўчалар ва яна тупроқли сўқмоқлар... Ҳаёт бизни нотаниш одамлар билан учраштиради, ўзи истаган йўлдан етаклаб кетмоқчи бўлади. Қайси йўлдан юриш эса ўзимизга боғлиқ. Шу йўлларда юрган бир йўловчиман ўзим ҳам. Кундалик ташвишлардан ҳоли бўлганимда, кўпинча ишим бошимдан ошиб ётган пайтларда ҳам атрофдагиларни кузатишни яхши кўраман. «Йўл азоби гўр азоби», дейишади. Уйгача анча олис... Ҳамроҳимга қарайман. Куннинг иссиғидан боягина нолиб ўтирганди, кўзларини уйқу элитибди. Ҳайдовчи радионинг мурватини буради. Бехосдан қулоқларни қоматга келтирган қўшиқ ҳаёлларингизни остин-устун қилиб юбориши турган гап.

Одам бўлиб келдик,
Одам бўлайлик.
Эл-юртнинг дардига
Малҳам бўлайлик...

Бу қўшиқ қайсидир йўловчига ёқмайди. Бир нималар деб ғудранади. «Кўчадаям тинчлик йўқ, уйдаям тинчлик йўқ бу дилбузарлардан. Ҳой, барака топкур, қабристоннинг олдидан ўтяпмиз, ордона қолгурингни овозини пасайтир. Куйган кўнгилга қўшиқ сиғармиди. Йўлинг бехатар бўлгур, катта одам бир нарса деганда, хўп дейиш керак...» Кўпни кўрган кампир икки қўлини дуога очиб, фотиҳа ўқиди. Кейин: «Шопир болам, илоё йўлинг бехатар бўлсин, биз кўрган кунларни кўрманглар» деб айтганини қилган ҳайдовчини дуо қилади...

Сумкамдан Усмон Азимнинг сайланма китобини олиб таниш шеърни қидираман.

Нозик туйғулар

Инсонни тушуниш керак...
Инсонни тушуниш керак!
Май ҳиди анқиган ғариб
қаҳвахона...
Одамлар, қадаҳлар, сигарет дуди,
Кимдир ориқ, қалтироқ
қўлари билан
Чўнтагини ағдариб
(тамаки қолдиғи тўкилар),
Ягона сўмини сарфлар ароққа.
Боринг, қўлингизни
елкасига қўйинг,
Дўстим денг.
Ароқдан яқин дўст
кўрмаган юракка
Баҳор ташриф буюрса ажабмас,
Ажабмас, сархуш кўзларда
олов ёниб,
Қўллари мушт бўлиб тугилса,
«Мен қайтдим йўлимдан,
Мен сен билан бирга,
Дўстим...» деса ажабмас.
Инсонни тушуниш керак!..

Ҳа, инсонни тушуниш керак, ҳар қандай вазиятда ҳам. Биз эса негадир бирбиримизни тушунишни истамаймиз. Дунёдаги энг оғир муаммо, ҳал қилиб бўлмайдиган можаро, тугуни ечилмайдиган жумбоқ одамларнинг бир-бирларини тушунмаслигидир.

Яхшилаб ўйлаб кўрсак, ҳамма ташвишлар, уруш-жанжаллар тушунмовчиликларидан келиб чиқади. «Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг иложи бор» , дейди доноларимиз. «Эпласанг элакда сув туради» деган халқ мақоли ҳам бежизга айтилмаган. Ён атрофимиздаги одамларнинг кўнглига йўл топа олсак, сира адашмаймиз. Бироқ, бундан қийин иш йўқ дунёда, деб ўйлаб қоламан. Ҳозир ҳам шундай хулосага келдим. Одам боласининг қонига бир томчи ўжарлик қўшилган шекилли. Энг камтар одам ҳам шу камтарлигининг эвазига нимагадир эришади. Айни дамда бу одатидан воз кечолмаслигини «қон билан кирган жон билан чиқади» деб тушунтиради сизга.

* * *

Негадир дарахтлари сувсизликдан қуриб, кесилиб кетган боғимиз болалик боғига ўхшамайди. Болалигимда бу боғ сермева эди. Ақлимни танибманки, боғ сайрига чиқсам, бир гала уккиларни кўраман. Қишлоғимизда бошқа бундай уккилар макон тутган гўша йўқ деб ўйлайверараман. Укки жуда ноёб қушга айланиб қолди биз одамларнинг беоқибатлигимиз туфайли. Ўзимизни ўзимиз тушунмаётган бир пайтда қушлар ҳақида гапиришим кимгадир эриш туюлиши мумкин. Лекин, одамийлик даражамизнинг қандайлигини ҳайвонот-наботот оламига бўлган муносабатимиз билан белгилаш ҳам мумкин. Ҳар ҳолда энг тўғри йўл шу бўларди, назаримда.

Лайлаклар тинч, осойишта гўшаларни макон тутишади. Қалдирғочлар, эътибор берган бўлсангиз, ҳамма уйнинг айвонига ҳам ин қуравермайди. Атрофимиздаги олам биз — ақлли одам болаларидан панох истаб яшайди. Биз эса ўзимиз билан ўзимиз овворамиз. Қўлбола ўқ-ёй ясаб, укки овига чиққан маҳалламиз болаларидан қочиб қаёққа беркинишни билмай, ҳовлимиздаги ўрикнинг шохига тўпланиб жон сақлаётган уккиларнинг, маъсумгина беозор мусичаларнинг кўзларига тик қарай олганимда «Одамларни тушуниш керак» деган сўзларни ўқийман.

Инсонни тушуниш керак... Ким билади дейсиз, балки мени ҳам мен ўйлагандек тўғри тушунмассиз, менга ҳамма нарса ғалати бўлиб туюлаётган бир пайтда. Айнан ҳозир.

Гулбаҳор ОРТИҚҲЎЖАЕВА.

XXI АСРДА ЭКОЛОГИЯ

XX аср фан техникасининг жадал суръатда ривожланиши, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланиш, табиатга бешафқат муносабатда бўлиш инсониятни мисли кўрилмаган экологик муаммоларга рўбарў қилди.

Айниқса, радиактив қуроллардан фойдаланиш, тупроқнинг шўрланиши, чўлланиш, тоза ичимлик суви заҳираларининг йўқотилиши, денгиз суви ва ҳавога заҳарловчи чиқиндиларни чиқариш бугунги кунда нафақат инсоният соғлигига, балки унинг генофондига ҳам салбий таъсир этмоқда. Мана шундай экологик муаммоларни бартараф этиш, ўз экологик хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир шахснинг бурчи. Ўзбекистон Республикаси бир қатор конференцияларда, саммитларда дунё аҳли диққатини экологик муаммолар чексизлигига қаратиб, уларни бартараф этиш йўлида бир ёқадан бош чиқаришга ундаганига гувоҳмиз. 5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳитни ҳимоя қилиш куни муносабати билан талабалар шаҳарчаси "Маънавият ва маърифат" марказида экологик муаммолар юзасидан ёшларда тушунча ва малака ҳосил қилиш мақсадида "Нотиқлар" кўрик-танлови ўтказилди. Танловда пойтахтимизнинг барча таълим муассасаларидан вакиллар иштирок этишди.

Иштирокчи талабалар бугунги кундаги экологик муаммолар, уларнинг сабаб ва оқибатлари ҳамда ушбу муаммоларни ҳал этиш йўллари борасида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди. Жумладан, Орол муаммосининг айни вақтда дунё аҳли учун ечимталаблиги, ичимлик суви муаммосининг долзарблиги алоҳида таъкидланди. Барчани ўйлантираётган экологик хавфсизликни таъминлаш юзасидан аниқ иқтисодий лойиҳаларни амалда қўллаш, ҳар бир давлат фуқаросида она табиатга қадрият сифатида ёндашиш кўникмасини ҳосил қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида бир қанча таклифлар киритилди.

"Экосан" халқаро ташкилоти ва "Маънавият ва маърифат" маркази томонидан ташкил этилган танловда Ўзбекистон Миллий университети магистранти Солиҳа Аллаёрова 1-ўрин, Тошкент юридик институти талабаси Шоҳруҳ Маматов 2-ўрин, Тошкент Тиббиёт академияси талабаси Эъзозбек Ризаев 3-ўрин соҳиби бўлишди. Барча иштирокчилар "Экосан" халқаро ташкилотининг «Рим» клуби аъзолигига қабул қилиндилар. Ғолибларга махсус диплом ва Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, «Ўзбекистон» нашриёти, "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси "Маънавият ва маърифат" маркази томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

Зебо ЯХШИЕВА,
«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси "Маънавият ва маърифат" маркази матбуот котиби.

Этмасанг гар эҳтиёт дил боғини...

Исмоил Маҳмуд МАРҒИЛОНИЙ

Кўҳна Марғилон неча асрлик анъаналарни, халқона урф-одатларни кўз қорачиғидай асраб-авайлаб яшаётган инсонлар шаҳри. Бу шаҳарнинг таровати, файзи ўзгача. Унинг маънавий ҳаётида, муҳитида «Жаҳон отин Увайсий» номли тўгаракнинг раҳбари шоир Исмоил Маҳмуд домланинг ўзига хос ўрни, мавқеи бор. Қуйида эълон қилинаётган фидойи инсон, тажрибали устоз Исмоил Маҳмуд Марғилонийнинг янги ижод намуналари сиз азиз муштарийларимизга манзур бўлади, деб умид қиламиз.

БИЛОЛМАССАН

Ки тақдир битмаган бўлса бирор ишни қилолмассан,
Бил, ожиз бандасан сен ҳам, қуёшмассан, ҳилолмассан.

Амонат ҳар нафас, ҳар дамларинг асли синоатдир,
Келиб қолса хабар ул дам, чопонингни киёлмассан.

Фиғону ҳасрато бирла ётур қанча жавоҳирлар,
Мувоққат барча гулзорлар, бу дунёда қололмассан.

Билурман деб, шароратга кўнгилни бермагил зинҳор,
Ўзи билдирмаса, кўнглингдагин ҳам ҳеч билолмассан.

Бисоту молу дунёнинг ҳавоси ўзгарур дам-дам,
Самода учганинг бирла ки жойингдан жилолмассан.

Фасоҳат бирла ўтди, оҳ, неча зоти мубораклар,
Алардан ибрат олгилким, ахир сен ҳам ниҳолмассан.

Бу кўнгил лавҳига Маҳмуд, жамлагил охират мулкин,
Сўрар вақти қиёматда амалдан ҳеч уёлмассан.

КОМРОН ҚИЛУР

Тотмагил нокас нонин ул охири сарсон қилур,
Эл аро обрўнг тўкиб, нархи сўзинг арзон қилур.

Сингмагайдур икки дунё луқмаи таъна азал,
Ким маломат ичра ул файзингни ҳам нуқсон қилур.

Этмасанг гар эҳтиёт дил боғини, ё алҳазар,
Топганинг барбод этар, бул ишни ул шайтон қилур.

Ким ҳалоллик бирла топган ошу нонингдир ширин,
Сохта қўй ёғи дилингни бир куни вайрон қилур.

Дўстга дўстлардан мурувват айламас ҳаргиз бу кас,
Нафси аммора ичинда макрини чандон қилур.

Яхши одамлар йироқ юргай алар майдонидан,
Во ажаб, бу иш ичинда баъзилар ҳайрон қилур.

Ўз-ўзингни тарбият тархида тут, Маҳмуд, бу кун,
Бу ҳидоят риштаси кўнглингни чин комрон қилур.

Ўригидан данаги ширин.

МОШОВАНИНГ МОШИ

Қарнаб уруғи ҳақида эшитганмисиз? Бу уруғ вакилларини «баланд овозлилар» деб атаса ҳам бўлади. Бирор-бир тўй-маъракада даврани тўлдириб гапираётган кишини кўрдингизми, демак, қарнаблик деяверинг. Бир-бирларига ғаройиб номлар билан мурожаат қилиш ҳам уларга хос.

Асли шу уруғга мансублигимданми болалигимдан ўзимизнинг қизиқ одатларимизга меҳрим бошқача. Айниқса, аммаларимникига меҳмонга борганимизда айтадиган гаплари қизиқ туюларди. Аммам дарвозадан киришимиз билан: «Мошованинг моши бор, ичида муштдек тоши бор», — дердилар. Ҳайрон бўлардим, нега энди мошова? Ичидаги тоши нима? Кичик аммамнинг қизларига эса нуқул: «Тошбақанинг боласи, тоштўрванг қани?» — деб кулганлари кулган эди.

Аммамнинг гапларига-ку кўникиб қолгандим. Лекин бир куни холаларимнинг суҳбатини эшитиб ҳайратим ортди. «Барибир «курра»лигига борибди-да», — деб қолдилар холам бир аёл ҳақида. Аммамнинг, холамнинг гаплари ҳам бир бўлди-ю, дадамнинг ойим эскитуски кийимларини қаерга қўйишни билмай ивирсиб қолганларида: «Эй, ўзи жулсан-да, ўралашиб ётасан фақат», — деб айтган гаплари ҳам бир бўлди. Ҳайронлигим баттар ошди. Бу гапларнинг маъноси нима эканлигини момомдан сўрадим. Момом бир жилмайиб қўйиб, уруғимиздаги шажаравий лақаб-номларнинг келиб чиқиши ҳақида айтиб бердилар. Гапларига қараганда, бундан бир қанча йиллар аввал ҳар бир оиланинг катталари, яъни оқсоқоллар бир даврада йиғилишганда, ҳазил-ҳазил билан ўртага мушук қўйишган. Аввалига мушукни соат стрелкаси йўналишида айлантириб, анчагина эрмак қилишган. Сўнг боши айланиб, гандираклаб қолган мушук ихтиёрий равишда кимнинг олдига биринчи борган бўлса, унга «мушук» деб лақаб қўйишган. Мушукнинг думи даврадагиларнинг қайси бирига тегса, унга «дум», мушук танасидаги юнглар кимнинг яқинига тўкилган бўлса, «жул», мушук ёнига яқин йўламаган кишига эса «куррадек асовсан, ҳатто мушук ҳам яқин йўламайди» деган маънода «курра» лақабини беришган. Шушу оқсоқолларга ҳазил тариқасида берилган бу лақаблар бутун авлоднинг номига айланиб кетган экан. Албатта, лақаб беришда хулқ-атвор ҳам ҳисобга олинган.

Момомнинг ҳикояларидан кейин кўп нарсаларни англагандек бўлдим. Бу бизнинг қарнаб уруғининг ўзига хос томонларидан биргинаси, холос. Бундай одатлар завқимни бир оширса, уруғимизга, унинг анъаналарига меҳримни минг карра оширади.

Дилдора КАТТАЕВА,
ТошДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси.

Биз гуноҳкор бандалар бир-бировимизнинг тилимизга ҳадеганда тушуниб кетавермаймиз. Қушларга эса қойил қолиш керак. Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асарида Ҳуд-ҳуд хабарига кўниб, азоб довонларини босиб ўтган 30 қушнинг яктан бўлиб, Семурғга айланиб, Тангри даргоҳига етгани биз учун ибрат.

Овозингдан айланай, булбул!

Қушлар бесабаб, ноўрин ва бекорга сайрамайди. Фақат шоир айтганидай: «Булбул тилин булбул билар, мен билмасман, булбулим». Улар тилидан қилинган таржималар эса фолбинникидан кўпам фарқ қилавермайди. Мусича ҳар доим: «Мусо сув келтирур, Мусо сув келтирур», дея такрорлармиш. Қарға совуққина қилиб «қарр», деса, ҳакка «қоровулнинг шақилдоғи», зарғалдоқ «чуч, чуч Раҳим ўғли», тоштешар «қоч, қоч келяпти», каклик эса «какира каков, сиз иков, биз иков», дегани-деган.

Булбул тилини ким билади? Масалан, ошиқ маъшуқасига дейди: «Сен — гул, мен эса ишқингда сайраган булбул». Яна бир гап. Булбул гул ғунчаси бошида туриб, тонггача сайраб, унинг очилишини кутармиш ёки нола қилиб очилтирармиш. Булбул боғингизга турли анвойи гуллар экиб, кеча-ю кундуз унинг ёнига кўрпача тўшаб ўтириб кутсангиз ҳам, ёнингизга келмайди. У, аслида одамга сира яқин келмайди. Одам боласига қўйиб берса, булбулни беданадай тутиб, қафасга солади ёки оёғидан боғлаб, донини бериб, қўлтиғига солиб, сайратиб юргиси келади. Булбул бедана эмас. У қафасда мутлақо сайрамайди. Одам боласи кузатаётганини дарров сезади-да, ўзини япроқлар панасига олади. Ҳар қандай булбул бош бармоқ катталигида, битта япроқ унинг танасини бемалол яшира олади. Кейин эса сайрагани-сайраган. Унга бу соҳада тенг келадигани йўқ. Лекин унинг бу одати йилнинг тўрт фаслида ҳам бирдай давом этавермайди. Фақат баҳор ва ёзда сайрайди. Тўғрироғи, дов-дарахтлар ва буталар барг чиқазгандан то сарғайиб битгунича.

Булбул яшиллик ошуфтаси. Яшиллик эса навқиронлик белгиси. Ҳар баҳор тол барглари орасига кириб олган рангсизгина қушча фалакка тумшуқчасини тутганча сайрайди. Сайраганда оқиш томоғи тўлиб, парилар сув ичганда ютинганидай замзама қилади. Ҳа, у сайраганда очилган гул ёки япроққа ёки ўзи қўниб турган дарахт шохларига қараб эмас, тўппа-тўғри осмонга қараб сайрайди. Унинг кўзлаганн, йўқлагани Осмон.

Менинг англаганим — у Тангрига, баҳорга шукрона айтади. У ИБОДАТ ҚИЛАДИ. Ўзига ва ўзгаларга ризқ тилайди. Тангрининг энг олий мавжудотига инсоф тилайди.

Овозингдан айланай, булбул!

Ғози РАҲМОН.

ФУТБОЛ

Кутилмаган натижалар

Бир неча кундан буён Германия байрам либоси билан бурканган. Хабарингиз бор, айни кунларда бу ерда футбол бўйича XVIII Жаҳон чемпионати баҳслари ўзининг қизғин палласига кирди. Ҳар тўрт йилда бир маротаба ўтказиладиган мазкур мусобақа дунёнинг кўп миллионли мухлисларни бирдамликка чорлайди, десак муболаға бўлмайди.

Албатта, бунинг ўзига хос бир неча сабаблари бор. Айниқса, «мундиал» ҳақида сиёсат майдонида кўзга кўринган шахсларнинг ижобий фикрлари кўпчиликни бефарқ қолдирмайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раиси Кофи Ананнинг мусобақа аввалида билдирган мана бу сўзлари нақадар тўғрилигига амин бўлади киши: «БМТга айни дамда 191 та давлат аъзо бўлса, ФИФА 205 та футбол федерацияларини бирлаштирган. Шундан ҳам кўриниб турибдики, футбол ва умуман, спорт тинчлик сари етаклайдиган, миллатлар тотувлигини таъминлайдиган кучли воситадир. Тўғриси, мен бу борада ФИФАга фақат ҳавас қиляпман».

Шу кунгача беш гуруҳнинг 1-тур учрашувлари якунига етди. Мутахассислар томонидан мусобақа фаворитлари деб аталаётган жамоалар қийинчилик билан ғалаба қозонган бўлсалар, Тринидад ва Тобаго, Эквадор каби жамоалар сенсация қилишга эришдилар. Африка қитъасидан ташриф буюрган дебютантлар ҳар қандай натижани қўлга киритиши мумкинлигини мухлислару мутахассисларга исботламоқдалар.

Биринчи турда қайд этилган натижалар билан танишинг:

«А» гуруҳи: Германия – Коста-Рика 4:2, Эквадор – Польша 2:0

«В» гуруҳи: Англия – Парагвай 1:0, Швеция – Тринидад ва Тобаго 0:0

«С» гуруҳи: Аргентина – Кот-Д'ивуар 2:1, Голландия – Сербия 1:0

«D» гуруҳи: Португалия – Ангола 1:0, Эрон – Мексика 1:3

«Е» гуруҳи: АҚШ – Чехия 0:3, Италия – Гана 2:0.

С.ШОШИЙ тайёрлади.

Халқаро воқеалар

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ЧЕРНОГОРИЯНИ ТАН ОЛДИ

«Евроиттифоқ ва унга аъзо давлатлар эндиликда Черногория билан мустақил суверен давлат сифатида алоқалар ўрнатади».

Люксембургда ўтаётган ташқи ишлар ва умумий масалалар бўйича ЕИ Кенгаши йиғилишида 25 давлат ташқи ишлар вазирлари томонидан қабул қилинган декларацияда бу қарор қабул қилинди. Бу Европа Иттифоқи Черногория давлати мустақиллигини расман тан олганлигини англатади.

Вазирлар Сербия ва Черногорияни ўзаро фаол алоқаларни ўрнатишда ҳамкорлик қилишга чақирдилар ва бу ҳамкорликни қўллаб-қувватлашларини маълум қилишди.

Аммо шу кунларда Германияда ўтказиладиган футбол бўйича жаҳон биринчилиги мусобақаларида бу икки давлат ўйинчилари ҳозирча бир жамоа шарафини ҳимоя қилишмоқда.

«ГУАНТАНАМО» МАҲБУСЛАРИ ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛДИ



Кубада жойлашган «Гуантанамо» қамоқхонаси атрофида яна жанжал авж олмоқда. Қамоқхонада сақланаётган уч нафар маҳбус ўз жонига қасд қилди.

Охирги тўрт йил ичида «Гуантанамо» маҳбуслари орасида қирқ марта ўз жонига қасд қилиш ҳолати кузатилган, аммо уларнинг бирортаси жонига қасд қилишни охирига етказа олмаган эди.

Олинган маълумотларга кўра, Саудия Арабистони ва яманлик бўлган бу маҳбуслар ярим кечада ётоқ матоларига ўзларини осишган. Бу ҳолат қамоқхонанинг энг қаттиқ қўриқланадиган «биринчи лагер»да содир бўлган.

Европа Иттифоқи ташқи ва европа қўшничилиги алоқалари комиссари Бенита Ферреро-Валднер ушбу ҳолат бўйича баёнот берар экан, «уч араб маҳбусининг ўз жонига қасд қилиши бу базани ёпиш кераклигини тасдиқлайди», — деган.

НАТО ҚЎШИНЛАРИ ҚРИМНИ ТАРК ЭТДИ

Америка ҳарбий денгиз қўшинларининг охирги гуруҳи Қрим маркази Феодосияни тарк этишди.

Аскарлар Симферопол орқали Германияда жойлашган «Рамштайн» АҚШ ҳарбий базасига жўнатилган. Қримда фақатгина ҳарбий техника ва қурилиш ашёлари сақланаётган 70 та контейнерни қўриқлаш учун олти нафар аскар қолдирилган.

Бироқ намойишчилар икки ҳафтадан бери тўхтамаётган норозилик тадбирларини Украина Олий Радаси чет эл ҳарбийларининг Қрим ярим оролида туриши масаласини ҳал қилмагунига қадар давом эттириш ниятидалар. Аҳоли хориж аскарларининг Украина ҳудудида туриши мамлакат конституциясига хилоф келишини маълум қилишмоқда. Чунки, бунинг учун Олий Рада тегишли тартибда рухсат бермаган.

Эслатиб ўтамиз, 6 июнь куни Қрим қонунчилик йиғини депутатлари ярим оролни «НАТОсиз ҳудуд» деб эълон қилишганди.

ТЕРРОРЧИЛАР БИЛАН БИРГА БОЛАЛАР ҲАМ НОБУД БЎЛДИ

Кеча АҚШ авиацияси Бағдоддан 65 километр шимоли-шарқда жойлашган Баакуба шаҳри атрофларини бомбардимон қилишган. Хабарларда айтилишича, бунинг натижасида «Ал-Қоида» гуруҳининг Ироқ бирлашмаси раҳбарларидан етти нафари нобуд бўлган ва тўрттаси яраланган.

Қўпорувчиларнинг жойлашув нуқталарини аниқлаш бўйича ҳаво ҳужуми билан биргa қуруқликда ҳам махсус операция ўтказилган. Уларда, шунингдек, икки нафар ироқлик бола ҳалок бўлган, бир нафари жароҳат олган.

Ўтган чоршанба куни ўтказилган авиаҳужумлар натижасида «Ал-Қоида»нинг Ироқ қаноти раҳбари Мусаб аз-Заркави ўлдирилган эди. У билан биргаликда етти нафар ёрдамчиси йўқ қилинганди.

Уч марта сиртдан ўлим жазосига ҳукм қилинган Аз-Заркави фуқароси бўлган Иордания ҳукумати уни мамлакат ҳудудида дафн этилишига рухсат бермаган.

Якшанба куни эса Бағдод марказида террорчининг ўзини-ўзи портлатиб юбориши натижасида тўрт киши ўлган, тўққиз нафари жароҳат олган. Полиция хабарларида портлаш пойтахтнинг тижорат марказларидан бири — Каррада ноҳиясида содир этилганлиги ҳақида айтилади.

ЯҚИН ШАРҚ МУАММОСИ ЛОНДОНДА МУҲОКАМА ҚИЛИНАДИ

Исроил бош вазири Эҳуд Олмерт араб-исроил муносабатларини муҳокама қилиш учун Лондонга ташриф буюрди.

Тони Блэр билан учрашувда, шунингдек, Фаластин билан бир тарафлама чегараларни ўрнатиш масаласи ҳам кўриб чиқилади. Исроил Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги айрим ҳудудларни бўшатиб бергани ҳолда, баъзи ҳудудларда ўз иштирокини сақлаб қолади. Фаластин тарафидан барча қўпорувчиларни қуролсизлантириш ва Исроил давлатини тан олиш талаб қилинмоқда.

ҒАЛАБА УЧУН 100 МИНГ

Агарда терма жамоа гуруҳдан чиқиб, биринчиликнинг 1/8 финал босқичида тўп сурса, мукофот миқдори уч баравар ошади. Бу ҳақдаги хабар билан футболчиларни федерация раиси шаҳзода Султон ибн Фаҳд Ал Сауд хурсанд қилган.

Гурухда Саудия Арабистони жамоаси Испания, Тунис ва Украина жамоалари билан куч синашмоқда.

Саудия Арабистони футбол федерацияси агарда мамлакат терма жамоаси футболчилари жаҳон чемпионатининг дастлабки учрашувида ғалаба қозонса, уларнинг ҳар бирига 100 минг реал (28 минг доллар) миқдорида мукофот беришга ваъда берди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-80
136-56-29
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Шерзод ҲАЙИТМУРОДОВ
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 823.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00